

**МАЛАКА ОШИРИШДАГИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИК МЕЗОНЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ-ТИЗИМЛИ МОДЕЛИ**

Сайдмурадова Ситора Набижоновна

Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази. Термиз давлат
университети мустақил изланувчиси

Малака оширишдаги ўқитувчиларнинг касбий компетентлик мезонларини тарбиялашни ўзида мужассамлаштирган тарбиявий машғулотлар интерфаол технологияларни ўзида акс эттириши алоҳида аҳамиятга эга. Ўқитувчиларни машғулотларда фаоллигини ошириш, ўқитувчиларнинг ички фаоллиги, йўналганилиги ҳамда фаолияти хусусиятига боғлиқ бўлади. Айнан ўқитувчиларнинг фаолият хусусияти, мустақиллик даражаси ва ижодкорлиги ўқитувчилар билан олиб бориладиган таълимий ва тарбиявий методларнинг муҳим мезонлари сифатида хизмат қиласиди. Малака оширишдаги ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини тарбиялаш жараёнини функционал-тизимли модель шаклида олиб бориш-ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланишини таъминлаб беради.

“Модель” тушунчаси моделлаштириш усули сингари инсон фаолиятининг ҳамда илмнинг турли соҳаларида қўлланилади. Модель реал жараён, курилма ёки концепцияни намойиш этувчи тизим сифатида ниқланади. Биз ишлаб чиқсан модель ўқитувчи касбий компетентлигини тарбиялаш ҳамда ўқитувчининг касбий ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини тавсифловчи асосий соҳалар тизимини намоён этади. Малака оширишдаги ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини тарбиялашни ўзида мужассамлаштирган модель – бу ўқитувчининг узлуксиз ривожланиши, ўз-ўзини ривожлантириши ва малакасини оширишни мужассамлаштирган кўп босқичли тизим бўлиб, у ўзида функционал-мақсадли, диагностик, мазмуний, процессуал-технологик ва натижавий блокларни мужассамлаштиради. Ушбу модельнинг ҳар бир таркибий қисмини батафсил ёритиб ўтамиш.

1. Функционал – мақсадли блок ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланиши ва ўз-ўзини ривожлантиришнинг мақсад, вазифалари ва тамойилларини аниқлайди. Модельнинг дастлабки ва асосий босқичи сифатида ушбу блок малака оширишдаги ўқитувчиларнинг касбий компетентлик

мезонларини тарбиялашнинг мақсад ва вазифаларини замонавий илмий маълумотлар ва ҳуқуқий-меъёрий нормаларга мос келишини аниқлаштиради.

Мақсад-малака оширишдаги ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий таълим олиши учун шароит яратиш.

Вазифалар:

- Ўқитувчиларнинг касбий ўсиш даражасига таъсир кўрсатиш;
- Педагогик ўз-ўзини ривожлантиришни стимуллаштириш;
- Педагогик жамоалар тизимнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш;
- Ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланишининг шахсий траекториясини қуриш шароитларини яратиш;

Катталарни ўқитишининг методологик асосларига мос ҳолда ушбу модельда ўқитувчилар билан ишлашнинг қуидаги тамойиллари ташкил этди:

Биринчи гурӯх- андрогогик тамойиллар. Ушбу тамойил амалиётчи ўқитувчиларни ўқитиши хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Катталарнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ўқитишини С.И.Змеёв қуидаги андрогогик тамойилларни ажратиб кўрсатди: мустақил таълим олишнинг иқтибосликлари, тингловчиларнинг мустақил фаолияти ўкув ишининг асосий тури сифатида, тингловчиларнинг тажрибасига таяниш, индивидуаллаштириш, таълимнинг тизимлилиги ва контекстлилиги, таълим эҳтиёжларини ҳисобга олиш. [2,7,10,12].

Иккинчи гурӯх – узлуксиз инновацион педагогик таълим бўлиб, рўйёбга чиқарилаётган дастурларнинг вақт талабига мос ҳолда долзарблигини таъминлашни назарда тутади. Ушбу гурӯх тамойиларига қуидагиларни киритиш мумкин: кўп қирралик тамойили, касбий-таълимий дастурларнинг сафарбарлик тамойили, маълумотларнинг турлича маршрутлилик тамойили ҳамда таълим жараёнларини тармоқли ташкиллаштириш тамойили.

Учинчи гурӯх-эвтагогик тамойиллар бўлиб, ўқитувчиларнинг ўз-ўзини касбий ривожлантиришининг индивидуаллигини ҳамда самарадорлигини таъминлайди. Ушбу гурӯх тамойиллари қуидагиларни мужассамлаштиради: индивидуал таълим траекториясининг ўзига хослиги тамойили, ўқитувчиларнинг касбий ва шахсий иқтибосликларини тарбиялашга йўналтирилган самарадорлик тамойили, таълим жараёнининг ноцизиқлилик тамойили. [3,936.]

Бизнинг моделимизда ушбу тамойилларни қўллаш ўқитувчининг касбий ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнларини таъминловчи марказий иқтибосликни

яъни бутун ҳаёти орқали узлуксиз таълим олишни таъминловчи қадриятли соҳаларни очиб беради.

2. Диагностик блок – ўқитувчиларнинг касбий ривожланиш кўрсаткичлари ва даражасини ташхислаш методикларини ўз ичига олади. Ушбу блок кўриб чиқилаётган моделнинг базаси ҳисобланиб, имкониятларни, кучли ва заиф томонларни, мавжуд хавфларни ҳамда қийинчиликлар ва сўровларни ўрганишга йўналтирилади. Диагностик блокнинг йўналишларидан бири бўлган малака оширишдаги ўқитувчиларнинг касбий қийинчиликлари ва сўровларини таҳлил қилиш қуидагиларда мужассамланади:

- *Умумпедагогик:* педагогика, психология ва ўқитиш методикаларини билиш, АҚТ-компетентлик;
- *Илмий-назарий:* фаннинг ривожланиш тарихи ва унинг замонавий ютуқлари, педагогик-психологик тадқиқот методологияси;
- *Методик:* таълим вазифаларини рўёбга чиқарининг усул, воситалари, метод ва шакллари;
- *Психологик-педагогик:* ўқувчиларнинг психологик усусиятларини, ривожланиш қонуниятларини ҳамда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини билиш;
- *Коммуникатив:* ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, бошқа ўқитувчилар, ҳамкаслари билан ўзаро таъсирлашиш тактикаси ва стратегияси, операторлик санъати; эмоционал зўриқишиларга чидамлилик.

3. *Мазмунли блок* – ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланишининг таълим соҳасидаги меъёрий-хуқуқий хужжатларга мос методологик тамойилларига асосланган.

Мазмунли блокнинг асосини ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланишининг назарий-методологик асослари ташкил этди. Таълим соҳасидаги меъёрий-хуқуқий базага асосланиб, малака оширишдаги ўқитувчиларнинг касбий ривожланиш дастурининг асосий йўналишларини белгилаб олдик. Булар:

- Ўқитувчининг ўқувчилар ва бошқа ўқитувчилар билан ўзаро педагогик таъсирлашуви;
- Замонавий дарсни ташкил этиш технологиялари;
- Ўқувчиларнинг билимини ривожлантиришнинг замонавий таълим технологиялари;
- Таълим муассасаси ва оиласининг ўзаро ҳамкорлиги;
- Жамоада гурухий ишлаш усуллари;



- Замонавий ахборот-коммуникатив технологиялари.
 - 4. *Процессуал-технологик блок.* Моделимизнинг процессуал-технологик блокини узлуксиз педагогик таълимнинг шакли ва йўналишлари ташкил этди. Шунингдек моделнинг функционаллигини ошириш учун ўқитувчиларнинг касбий ривожланиши ва ўз-ўзини ривожлантириш босқичларини ажратдик. Ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожланиш йўналишига қуидагиларни киритишимиз мумкин:
 - Илмий-методик – курс тайёргарлиги ва қайта тайёргарлик;
 - Ўқув-методик-турли касбий-педагогик жамоалар, йиғинлар, педагогик устахона, ижодий гуруҳлар ва бошқ.;
 - Инновацион – ресурс марказлари, тажриба майдонлари;
 - Танловли-касбий танловлар (ўқитувчи-иштирокчиларга маслаҳат бериш ва ҳамроҳлик);
 - Ахборотий қўллаб-қувватлаш-интернет ресурслар.
 - 5. *Натижадорлик блоки.* Ушбу блокда намойиш этилаётган моделни рўйёбга чиқариш учун кутилаётган натижалар тавсифланган. Булар қуидагилар:
 - Ўқитувчилар касбий компетентлигини ошириш ва касбий ривожланишини такомиллаштириш;
 - Установкаларни ҳамда узлуксиз касбий ўз-ўзини ривожлантиришнинг сақланиб қолиши;
 - Мустақиликнинг ҳамда ижодкорликнинг юқори даражадалиги;
 - Малака оширишдаги мактаб ўқитувчиларини тизимли ахборотий-методик қўллаб-қувватлаш.
- Шу тарзда ўқитувчининг замонавий шароитларда узлуксиз касбий ривожланиши ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг тизимли ёндашувини талаб этади. Бизнинг ишлаб чиқсан моделимиз тизимли ёндашувнинг асосий тамойилларига мос келиб, ўзида малака оширишдаги ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини узлуксиз тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва малакасини оширишнинг кўп босқичли тизимини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.Т.Турғунов ва бошқалар. Ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари. – Т. 2005 й.

- 
2. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. СПб.:Мысль, 2002. 339стр.
 3. Ройтбалт О.В. Неформальное образование педагогических работников: вчера, сегодня, завтра//Вестник ТОГИРРО. 2014 №2(29).234с.
 4. Тўраев Б.З., Муқимова Г.Х. Таълимда компетентли ёндашув: ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш. // «Ўзбекистон олий таълим тизимида кадрлар ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш» мавзусидаги Республика семинар материаллари. - Т: «Истеъдод» жамғармаси, ТДПУ. 2014. –52-б.
 5. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар.– Т.: Ўқитувчи, 2004.